2015 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (13.016)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## ЁШЛАР АХБОРОТ МАКОНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

***"Туркистон" саройида ёшлар ўртасида "MIT.uz" миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ушбу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий интернет сегменти мамлакатимизнинг бой тарихи, халқимиз миллий анъана ва маънавий қадриятлари ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалар билан бойитилиб, ёш авлоднинг ахборот ва интеллектуал эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиладиган миллий веб-ресурслар ташкил этилмоқда. Ушбу жараёнга ёшлар ҳам салмоқли ҳисса қўшаётганини эътиборга лойиқдир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "MIT.uz" III миллий интернет танлови бунинг ёрқин тасдиғидир. Танловдан кўзланган асосий мақсад ёшларни глобаллашув шароитида ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотларни интернет орқали кенг ёритишда ёш авлод иштирокини таъминлашдан иборат бўлди.

"MIT.uz" миллий интернет танлови мамлакатимиз ахборот ресурслари ва сервисларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ёшлар учун мўлжалланган сифатли интернет лойиҳаларини оммалаштириш, хавфсиз интернет маконини таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, шунингдек, ёш интернет сайт яратувчилари, веб-дизайнер, дастурчилар, блогерлар, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, интернетда ёшлар сегментини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда "MIT.uz" миллий интернет танловида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган саккиз юздан ортиқ интернет сайт муаллиф ва ишлаб чиқувчилари қатнашди. Танловда Uz доменидаги веб-ресурслар билан бир қаторда хорижий доменларда жойлаштирилган сайтлар ҳам танлаб олинди.

Энг яхши ижодий ишлар ўн асосий ва олти қўшимча номинация бўйича саралаб олинди.

"Keksalik.uz" сайти "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тўғрисидаги энг яхши сайт деб топилди. Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирадиган энг яхши сайт соврини "tarix.uz" сайтига топширилди. "Umid.zn.uz" сайти маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларнинг ободлиги ва фаровонлигини акс эттирувчи энг яхши сайт деб эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН "UGnews" ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА

***Яқинда Индонезияда нашр этиладиган "UGnews" газетасида Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.***

Улардан бирида мамлакатимизда аёлларнинг роли ва мақомини ошириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар атрофлича қаламга олинган.

Нашрда хабар қилинганидек, республикада хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини институционал муҳофаза этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик базаси шакллантирилган. Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилгани алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, унда мамлакатимизда 2014 йилнинг декабрь ойида ўтказилган сайлов якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 24 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланганини, бу эса жами депутатлар корпусининг 16 фоизини ташкил қилиши қайд этилган. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида хотин-қизлар 17 фоизни ташкил қилади. Бу нафақат уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда социал фаоллиги юксалиб бораётганидан, балки аёлларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларида қатнашиши қонуний кафолатланганидан ҳам далолат беради", дея ёзилади "UGnews"да.

Мазкур нашрда эълон қилинган яна бир мақола индонезиялик ўқувчиларни мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини кучайтириш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан таништирган.

"Кейинги йилларда республикада хусусий мулк ҳимояси кафолатларини кучайтириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёни давом этмоқда. Барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ҳамда лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар янада соддалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг тадбиркорлик субъектлари моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиши кенгайтирилмоқдаки, бу уларнинг фаолияти ривожида муҳим аҳамият касб этади", дея ёзилади мақолада. Қайд этилишича, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 56 фоизга етган. "Айни пайтда иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Энг муҳими, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўрта мулкдорлар синфи шаклландики, улар миллий иқтисодиёт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда, минглаб янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашмоқда", дея таъкидланади мақолада.

Шу билан бирга, нашрда Ўзбекистоннинг жорий йил май ойида Италияда иш бошлаган ва октябрга қадар давом этган "Expo Milano — 2015" Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

"UGnews" хабар қилганидек, ушбу йирик ҳамда нуфузли анжуманда юртимиз ўзининг миллий павильони билан қатнашди. Унда республиканинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, иқтисодий ва сармоявий салоҳияти намойиш этилди.

Қолаверса, газета ўз ўқувчиларини мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин индустриал-иқтисодий ҳамда махсус зоналардаги шароит ва қулайликлар, жозибали сармоявий муҳит, Ўзбекистоннинг ривожланган транспорт ҳамда логистика инфратузилмаси, юртимиз бой тарихи ва халқимизнинг маданий мероси ҳақидаги муҳим маълумотлар билан ҳам таништириб ўтган.

**"Жаҳон" АА.**
Жакарта

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан "Тадбиркорлик соҳасига оид қонунчиликнинг такомиллашуви" номли мавзуда бўлиб ўтган матбуот анжуманида давлатимиз раҳбари томонидан бу тизимга берилаётган жиддий эътибор туфайли қонунчиликка киритилаётган ўзгартишлар, янгиликлар хусусида гап борди.**

**● Наманганда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш масаласига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**● Нукусда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан миллий каштачилик сирларини ўрганишга бағишланган ўқув-семинар уюштирилди. Икки ҳафталик семинарда миллий каштачилик сирлари бўйича машғулотлар ўтказилди. Миллий каштачилик санъатининг моҳир устаси Гулнора Ембергенованинг қадимий қорақалпоқ миллий нақшларини ўргатиш бўйича ўқув-машғулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.**

**● Сурхондарё вилояти Узун туманида тубдан реконструкция қилинаётган "Шодлик" маданият ва истироҳат боғининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди. Маданият ва истироҳат боғининг иккинчи ва учинчи босқичи қурилишида аквапарк, амфитеатр, фитнес клуби, мусиқали фаввора, болалар спорти майдончаси, савдо, овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталари бунёд этилиб, қўшимча янги аттракционлар билан жиҳозланиши режалаштирилган.**

**● Сирдарё вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган кўргазмада вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан ташриф буюрган ҳунармандлар ва қўғирчоқбозларнинг ишлари ўрин олди.**

### ЖАҲОНДА

**● Бутунжаҳон иқтисодий форуми глобал рақобатбардошлик рейтингини эълон қилди. Унда қаторасига еттинчи маротаба Швейцария биринчи ўриндан жой олди. Сингапур ва АҚШ кейинги ўринларни эгаллади. Рейтингдаги дастлабки ўнликка, шунингдек, Германия, Голландия, Япония, Гонконг, Финляндия, Швеция ва Буюк Британия ҳам кирган.**

**● Милан шаҳрида ўтказилган шоу доирасида Италиянинг миллий тортлар дизайнерлари ассоциациясининг новвойлари ва мусаввирлари жаҳондаги энг улкан тортни тайёрладилар. Италия харитаси кўринишида тайёрланган тортнинг ҳажми 244 квадрат метрни ташкил этиб, оғирлиги бир тоннадан ошиқдир.**

**● Англия ва Уэльсда салонида болалар бўлган автомобилларда чекишни таъқиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди.**

***Аввал хабар қилинганидек, Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Ушбу форум доирасида "Соех" кўргазмалар павильонида "Савдо-сайёҳлик роуд шоуси" халқаро кўргазмаси ўтказилди. Унда Жанубий Корея, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ишбилармон доираларининг икки юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.***

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

*СЕУЛ, 6 октябрь. ЎзА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади.*

Мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг улкан савдо-иқтисодий салоҳияти ва экспорт имкониятлари намойиш этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар самарасида юртимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошиб, ташқи бозордаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда.

Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган халқаро кўргазмадаги Ўзбекистон стендида мамлакатимиз саноатининг озиқ-овқат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, қурилиш материаллари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, ҳунармандлик, кўнчилик каби тармоқларида фаолият кўрсатаётган элликдан зиёд корхоналар маҳсулотлари намойиш этилди. Кўргазмага ташриф буюрганлар мамлакатимиз саноати имкониятлари билан бир қаторда сайёҳлик салоҳияти билан ҳам яқиндан танишди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўргазмада мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кенг намойиш этди.

– Халқаро кўргазма самарали бўлди, – деди мазкур жамғарма бош директори Жаҳонгир Мустафоев. – Унда Жанубий Кореянинг кўплаб компаниялари ва йирик савдо ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди, қатор битимлар имзоланди. Хусусан, шарбат концентрати экспорти бўйича беш миллион долларлик шартнома, шунингдек, фармацевтика ва автомобилсозлик соҳаларида қўшма корхоналар тузиш бўйича сармоявий битимлар имзоланди.

Халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг "GDF" масъулияти чекланган жамияти ҳам харидорлар эътибори марказида бўлди. Ўз фаолиятини 2012 йили бошлаган ушбу корхона мева-сабзавотлар экспорти борасида катта ютуқларга эришмоқда.

– Ўзбекистон мевалари лаззатли таъми билан алоҳида ажралиб туради, – деди Жанубий Кореянинг "NK Globalnet" компанияси бош ижрочи директори Шин Кюнг Хун. – Компаниямиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга ихтисослашган. Кўргазма асносида "GDF" корхонаси билан гилос импорт қилиш бўйича шартнома имзоладик. Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта салоҳиятга эга Ўзбекистон жаҳон бозорини ўзининг юксак сифатли маҳсулотлари билан кенг эгалламоқда. Келгусида мамлакатингиздан бошқа турдаги мева-сабзавотларни ҳам импорт қилишни режалаштиряпмиз.

Халқаро кўргазма хорижлик ишбилармон ва инвесторларни мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари билан яқиндан таништириш, "Made in Uzbekistan" белгили миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларга таклиф этиш, экспорт жўғрофиясини янада кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бу борада янги имкониятларни кашф этиш учун қулайлик яратди.

Анжуман доирасида логистика, маркетинг, қадоқлаш ва туризм йўналишларида ишбилармонлар учун семинарлар ўтказилди.

# ЎЗБЕКИСТОН НОШИРЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид миллий қонунчиликнинг такомиллаштирилгани оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриёт-матбаа корхоналарининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатишига кенг йўл очди.***

Бу жараёнда "Akademnashr" нашриёти фаолияти ҳам ривожланиб, ҳар жиҳатдан мукаммал китобларни нашр этиб, халқаро миқёсда ҳам эътиборга сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг 21-23 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида (Туркманистон) ўтказилган "Китоб – ҳамкорлик ва тараққиёт йўли" Х халқаро кўргазма-ярмарка ва илмий конференция доирасида ташкил этилган танловда "Akademnashr" нашриёти "Энг яхши бадиий нашр" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритгани бунинг исботидир.

Мазкур кўргазмада Россия, АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Германия, Италия, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан 140 дан ортиқ нашриёт уйлари, соҳадаги йирик таълим муассасалари, ахборот ва маданият марказлари вакиллари, шунингдек, таниқли адабиётшунослар, таржима усталари, олимлар, безакчи-рассомлар, журналистлар иштирок этди.

– Нашриётимиз танловга тақдим этган китобларга халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳо берилди, – дейди ЎзА мухбирига "Akademnashr" нашриёти бадиий муҳаррири Баҳриддин Бозоров. – Бу натижа жамоамиз аъзоларини китоблар сифати ва безатилишига янада ижодий ёндашиб, талабни юқори қўйишга ундамоқда.

**Н.АБДУРАИМОВА**

***Тошкент Давлат юридик университетида Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки ва ролини кучайтириш" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Саидрасул Сангинов ва бошқалар мамлакатимизда инсон саломатлигининг муҳим омилларидан бири сифатида она табиатни асраб-авайлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлаб ўтишди.

— Конференция давомида долзарб масалалар муҳокама қилинди, — дейди Тошкент Давлат юридик университетининг Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлари доктори Жуманазар Холмўминов. — Жумладан, экологик назоратни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ҳуқуқий асослари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТларнинг ўрни ва роли, экологик муаммоларни ҳал этишда экологик ҳуқуқий таълимнинг ўрни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги экологик муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтиришдан иборатдир. Шу билан бирга жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш, "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоялаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. "Экологик назорат тўғрисида"-ги Қонунда экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли аниқ белгилаб берилган. Қонунда жамоатчилик экологик назорати шакллари ва экологик назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки ўз аксини топган.

— Илмий-амалий конференцияда аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашга экотизимларни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш орқали эришиш мумкин деган хулосага келдим, — дейди Тошкент Давлат юридик университетининг 2-босқич магистратура талабаси Сардор Аминов. — Магистрлик диссертация ишимни "Табиий ресурслардан энергетик мақсадларда фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш" мавзусини танлаганман. Кўзланган мақсад республикамизда энергетика манбалари, табиий ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг механизмини ишлаб чиқиш бўйича таклиф бермоқчиман.

Анжуманда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит соҳасидаги қонунлар талабларининг бажарилиши ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТлари, ОАВ ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**




Отабек Мирсоатов олган суратлар

# ЁШЛАР АХБОРОТ МАКОНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Болалигимдан Ўзбекистон тарихи, буюк мутафаккирлар ҳаёти ва ижодига қизиқаман, – дейди "tarix.uz" сайти муаллифи Жаҳонгир Тошмуродов. – Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқимиз тарихи ва маданиятига бағишланган ўз сайтимни яратдим. Мазкур портал нафақат ўзбекистонлик, балки хориждаги ёшларни ҳам қизиқтиришига умид қиламан.

Ғолиблар "Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт", "Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт", "Давлат бошқаруви соҳасидаги энг яхши сайт", "Энг яхши янгиликлар сайти" ва бошқа номинациялар бўйича ҳам аниқланди.

"Энг яхши янгиликлар сайти" номинацияси тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бугун мамлакатимизда интернет-журналистика соҳаси жадал ривожланиб, веб-нашрлар ўртасида кенг аудиторияни жалб қилиш бўйича рақобат тобора кучайиб бормоқда. Танловда кўплаб янгиликлар сайтлари иштирок этгани ҳам шундан далолат беради. Уларнинг ҳар бири бетакрор дизайни, мавзуси ва воқеаларни ёритишга нисбатан ўз ёндашуви билан ажралиб туради. "Kun.uz" сайти ушбу йўналишда ғолиб бўлди.

– Мамлакатимизда интернет-журналистикани ривожлантириш, Ўзнет сайтларининг ёшлар учун жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Kun.uz" янгиликлар сайти раҳбари Мақсуджон Асқаров. – Танловда ғолиб бўлганимиз миллий интернет сегментини муҳим ва қизиқарли ахборот билан янада бойитишга ундайди.

2013-2015 йилларда танловда жами 2800 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Улар томонидан 1300 дан ортиқ веб-сайт, қарийб 1500 фотосурат, видеоролик ва фотоколлекциялар тақдим этилди. Шуниси эътиборлики, танлов қатнашчиларининг 70 фоизи талабалардир. Тақдим этилган сайтларнинг 40 фоиздан ортиғи шу йил ишга туширилган.

– Ушбу танлов истеъдодли ёш дастурчилар учун ўзига хос рағбат бўлиб хизмат қилади, – дейди "MIT.uz" миллий интернет танлови ҳайъат аъзоси Алишер Тожиев. – Масалан, танлов дипломи "Камолот" уйларидан олишга имтиёз беради. Бундан ташқари, ғолибларга диплом билан бирга қатор IT-ташкилотларнинг сертификатлари топширилди.

Тадбир доирасида веб-ишланмалар, мобиль ўйинлар ва дастурий таъминот воситалари кўргазмаси, 3D форматидаги "Ўзбекистон музейларининг энг сара минг асари" виртуал музейи тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Миллий интернет танлови ғолиб ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

**Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Тадбирлар**

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Миробод туманида туман фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига бағишланди.***

Тадбирда иштирок этганлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун барча қулайликлар, шароитлар яратилганлигини эътироф этишди. Уларнинг фикрига кўра, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Фақат энди ушбу ҳуқуқий ҳужжатлардан барча тадбиркорлар, айниқса ёшларнинг бохабар бўлишлари талаб этилади.

Тадбирда Миробод туманида тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёшларнинг ушбу соҳани мукаммал ўрганишлари мақсадида амалга оширилаётган ишларга ҳам баҳо берилди.

Тадбир якунида келгусида бажариладиган вазифалар режаси ҳам белгилаб олинди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Олмазор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ОЛМАЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 23 сентябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Олмазор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 345 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2719 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланган шахслар учун.

2. Олмазор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхалари туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Туман Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Т.Маҳмудов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклансин.

**Олмазор тумани ҳокими**
**Б.Гаибназаров**

*2015 йил 30 сентябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent. Uz сайти орқали танишиш мумкин.***

**Қарор ва ижро**

# КЎЧМАС МУЛК ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ер русурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар борасида маълумот берилди.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, соҳа вакилларига янада қулайликлар яратиш мақсадида қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётир. Жумладан, юқоридаги қарор ҳам тадбиркорларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатда тадбиркорларнинг ер участкаларига, бино ва иншоотларига, амалиётда биринчи марта кўп йиллик дарахтзорларга бўлган хусусий мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мукаммал тартиб белгиланди.

Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқлари ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш, кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш, белгиланган тартибда улар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳар бир туман ва шаҳарда фаолият олиб бораётган ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказади. Ушбу давлат корхоналарида юридик ва жисмоний шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида "Бир ойна" бўлими ташкил қилинган.

– "Бир ойна" бўлими мулкдорларнинг мурожаатларини бевосита қабул қиладиган ва кўриб чиқадиган бўлим бўлиб, 2008 йилдан буён фаолият олиб бормоқда, – дейди Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг бош давлат рўйхатга олувчиси Санжар Абдураззоқов. – Бу бўлимнинг афзаллик томонлари шундаки, фуқароларимизнинг вақтини ва маблағларини тежашга хизмат қилади. Мисол учун, олдинлари кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бир ой муддатда омалга оширилса, ҳозирда бунинг учун етти кун кифоя қилмоқда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш икки кунда, кўчмас мулклар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотнома бериш уч кунда амалга оширилади. Шунингдек, odno-okno.uz веб-сайти орқали ҳам фуқароларнинг мурожаатларига жавоб қайтарилмоқда. Абатта, бу ишлар соҳани янада ривожлантириш, фуқароларимиз ва тадбиркорларга қулайликлар яратиш йўлида амалга оширилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

***Шаҳримизда ёши улуғ кишиларга ҳар жиҳатдан ҳурмат-эътибор кўрсатилиши ва қадрланиши халқимизнинг асрий қадриятлари ифодасидир. Кексалар доимо давра тўрида, уларнинг дуосини олиш эса савоб. Айниқса, отахон ва онахонларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, ҳурматини жойига қўйиш, турмуш даражасини яхшилаш, кўп йиллик ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш нафақат ҳар бир оилада, балки давлат сиёсатининг бош мақсадларидан бирига айланиб, жорий йилнинг Президентимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди.***

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

## ЗАМОНАВИЙ АНЖОМЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Шаҳримиздаги намунали даволаш муассасаларидан бири “Нуроний” клиник шифохонасида “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Клиникада даволаш ишлари 5та — терапия, кардиология, неврология, психосоматика, интенсив терапия бўлимлари зиммасига юклатилган. Ҳар бир бўлимга қабул қилинадиган беморлар сонига қараб, ўрин ажратилган. Бир вақтнинг ўзида 156 нафар бемор даволаниши мумкин бўлган ушбу клиникага 1,2-гуруҳ ногиронлари, нафақага чиққан кишилар, сурункали хасталикка чалинганлар, уруш фахрийлари, афғон уруши ва Чернобиль фожиасидан жабрланган кишилар ўз оилавий поликлиникаси томонидан ажратилган ордер билан қабул қилинади.

— Тиббиёт илми билан шуғулланувчи кишилар 50 ёшдан кейин организмда кексайиш жараёни бошланишини таъкидлайдилар. Гарчанд киши тўла маънода соғлом яшаб келган бўлса ҳам, ёш ўтиши билан куч-қувватнинг камайиши, суякларнинг мўртлашуви, иштаҳанинг пасайиши ёки турли ички касалликларнинг юзага келиши кузатилади. Шифохонамизда даволанаётган беморларнинг аксариятини ёш билан боғлиқ ёки сурункали касалликлар безовта қилиши оилавий поликлиника томонидан берилган ордерда акс эттирилган бўлади. Аммо шунга қарамасдан, ҳар бир беморни келган куниёқ қайта текширувдан ўтказамиз. Қон, сийдик таҳлилини оламиз, албатта, ультратовуш аппарати орқали текширув ўтказилади ва касалликнинг турига қараб, тегишли бўлимга жойлаштирамиз. Ҳар куни 16 нафар даволовчи шифокор ўз бўлимидаги беморни нонуштадан сўнг кўрикдан ўтказиб чиқади. Бемор меъёрида ухладими, тана ҳарорати қандай, артериал қон босими кўтарилмаганми, иштаҳасизлик қийнамаяптими, умуман, уни безовта қилаётган муаммо бўлса, сабаби ўрганилиб, зудлик билан муолажа буюрилади. Шифокор кўригидан сўнг физиотерапия ҳамда дори-дармонлар бўйича муолажа жараёни бошланади. Соат 13 да тушлик, 14 дан 16 га қадар осойишталик соати белгиланган. Беморни йўқловчилар учун кечки пайт афзал. Шу тариқа, қатъий кун тартибига амал қилган ҳолда даволаш курсини ниҳоясига етказган бемор ўзини тетик, бардам ҳис қилаётганига ишонч ҳосил қиламиз ва уйига кетиш учун рухсат берилади, — дейди бош шифокор ўринбосари Дилбар Ғуломова.

Касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш уни даволаш жараёнига қулайлик яратиш, деганидир. Клиникада ана шу мақсадга хизмат қилувчи замонавий технологиялар қўлланилмоқда. Ультратовуш, электрокардиограмма аппаратларидан гарчанд бемор ўз оилавий поликлиникасида ўтиб келса ҳам, яна бир карра текшириш мақсадга мувофиқдир.

— Замонавий технологиянинг бирорта тури кириб бормаган даволаш муассасаси топилмаса керак, — дейди клиниканинг ультратовуш ташхиси шифокори Розия Раҳмонова. — Ички аъзоларда учрайдиган касалликларни ана шу аппаратларда аниқлаш осон ва ишончли. Палатага жойлашган беморни қайсидир ички касаллик безовта қилади. Баъзан баҳс-мунозара, шубҳа уйғотадиган ҳолатлар бўлса, даволовчи шифокор тавсиясига кўра, беморнинг ўша органи ультратовушда тасвирга олинади. Гоҳида ўсма, ўт пуфаги билан боғлиқ касалликлар мураккаброқ кўринишда акс этса, тор доирадаги мутахассислар кўригига йўлланма берамиз. Энг муҳими, шифохонамизда даволаниб кетаётган барча беморларнинг ички касалликларини аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда бу аппаратнинг роли жуда катта.

Даволаш жараёнини намунали ташкил қилишда шифокордан кейинги ўринда тиббиёт ҳамшираси туради. Клиникада қўли енгил, оёғи чаққон, сўзи малҳам, иши барчага намуна тиббиёт ҳамширалари кўп бўлса-да, Ҳанифа Муҳаммадиева алоҳида ажралиб туради.

— Эрталаб ишга келишим билан оқ халатни эгнимга илиб, кардиология бўлимида даволанаётган беморлардан ҳол-аҳвол сўраб чиқаман. Яхши ухладими, тана ҳарорати қандай, ҳеч нарса безовта қилмаяптими ва ҳоказо. Нонуштадан сўнг эса кундалик муолажа жараёни — вена ичига ҳамда мушак орасига инъекция юбориш, таблетка ва суюқ дориларнинг ўз вақтида қабул қилинишини назоратга оламан. Бўлимимизда баъзан тез тиббий ёрдам кўрсатишга зарурат сезувчи беморлар бўлса, махсус дорихона хизмати ташкил қилганмиз. Гипертоник криз, бронхиал астма, миокард инфаркти, анафилактик шок (ҳушдан кетиш) каби ҳолатларда ана шу хизмат тури тезкорлик билан қўлланилиб, беморнинг аҳволи ўнгланади, — дейди олий тоифали ҳамшира Ҳанифа Муҳаммадиева.

Ҳа, “Нуроний” клиник шифохонасининг аҳил ва бирдам жамоаси “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қатъий киришган. Бу ерда даволаниб, ўз оиласи бағрига қайтаётган отахону онахонларнинг барчасида миннатдорлик ҳиссини сезасиз. Йил охирига қадар клиникада 4 минг нафар кишини соғломлаштириш мўлжалланмоқда.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

***“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.***

“Siloam Center for the Blind” (Жанубий Корея) хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича лойиҳа бунга мисолдир. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад имконияти чекланган болаларга замонавий андозалар даражасида таълим бериш, саломатлигини асраш, уларнинг жамиятга фаол интеграциялашувига кўмаклашишдир.

Ушбу лойиҳа доирасида умумий қиймати 85248 доллар миқдоридаги спорт, мусиқа, ўқув ва тиббиёт жиҳозларидан иборат мурувват ёрдами Тошкент шаҳар кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ва Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 58-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабига топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва саломатлигини асраш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

– Таълим муассасамизда ўқувчиларга умумтаълим фанлари билан бир қаторда мусиқий билимлар ҳам ўргатилади, – дейди Тошкент шаҳар кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати директори Мавлон Зайниддинов. – Таълим жараёнини замонавий стандартлар бўйича ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Бизга тақдим этилган махсус ёзув ускуналари ва мусиқа асбоблари таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Оҳангарон туманидаги 58-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабида икки юзга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Гуманитар акция доирасида мазкур муассасанинг тиббиёт хонаси янги тиббий асбоб-ускуналар, санитария-гигиена, ортопедия воситалари билан таъминланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Касалликнинг тури ҳам, оғири ҳам кўп, лекин енгили йўқ. Арзимаган акса уришдан бошланадиган шамоллаш олди олинмаса, чораси кўрилмаса нохуш оқибатларга олиб келиши маълум. Ёки тўсаттан тиш оғриб қолишини олинг. Таом ейилаётганда ёхуд гурунг қилиб ўтирилганда юз берса-ку бир гап, лекин ҳаракат тиғиз кўчада машина бошқариб борилаётганда ёки кўпчилик олдида маъруза қилинаётганда рўй бериб қолса борми – бунинг азобини бошидан ўтказган билади.***

# МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИГА ДОИМО ТАЙЁР

Оғриқ забтига олганда дунё кўзингга қоронғи бўлиб кетади, беихтиёр бош бир томонга қийшаяди, қўл жағни суяйди. Тиш зирқираб оғрий бошлаганда оғиз намакоб ёки исириқ билан чайилади, саримсоқ пиёз ё аналгин қўйилади ва ҳоказо. Лекин фойдаси бўлмаса, шифокорга борилади.

Эндиликда даволашнинг ҳам, дори-дармоннинг ҳам хили, усули кўп, дардга чалинган тишингизга дарҳол малҳам қўйишади, жонингиз ҳузур топади. Бордию рентген аппарати бир-икки тишингиз ичдан чириб битганини, олдирмаса бўлмаслигини кўрсатса-чи, буни тасаввур қилиш оғир.Чеховнинг “Хирургия”, “Йилқибоп фамилия” ҳикояларида оғриган тишини омбир билан суғуртирган кишиларнинг чеккан азоблари бениҳоя ҳаққоний тасвирланганини эслайлик. Хайриятки, ҳозир техник жиҳозлар, асбоб-ускуналар мукаммал, шифокорларнинг маҳорати ҳам баланд. Укол қилиниб, жағнинг муайян қисми музлатиб қўйилгач, оғриқсиз яроқсиз тишнинг баҳридан ўтилганини сезмай ҳам қоласиз.

Юртимизда стоматология поликлиникалари, хусусий шифо масканлари аҳоли хизматига мунтазир. Президентимиз қарори билан Марказий Осиёда ягона Стоматология олий ўқув юртининг очилгани, бу йилдан бошлаб талабалар қабул қилингани халқимиз саломатлиги йўлидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Юнусобод туманидаги 5-стоматология поликлиникасининг қаердалигини пойтахтимизнинг истаган бурчагидан сўранг, билишади, такси ҳайдовчиси ёки ёши улуғроқ кишига учранг, Кичик ҳалқа йўли бўйидалиги, "Зебу зар" тўйхонаси ёнидалигини дарҳол айтиб, қандай бориш кераклигини кўрсатиб беришади. Тиш даволатган, олдирган, қўйдирган одам янаги сафар, зарурат туғилганда, албатта шу даргоҳга келишни маъқул кўради. Биз ҳам оиламиз аъзолари билан кўп йиллардан бери шу поликлиникага борамиз. Энг аввал қадрдон бўлиб қолган тиш техниги Орифжон Исаевга учрашамиз. Ёши элликдан ошган, ўрта бўй, миқти гавдали, хушсурат бу инсон ҳамиша очиқ юз, табассум билан мижозларни қарши олади, ширин муомаласидан тиш оғриғи ҳам босилиб қолгандай бўлади. Зарурат боис олий тоифали шифокор Юсуф Исмоилов кўриб, текшириб, шакли, ўлчовини чиқариб бергач, қўли гул Орифжон каминага, аёлимга шундай чиройли қоплама тиш ясаб бергандики, ҳақиқийсидан ажрата олмайсиз. Мавридини топиб уста билан бир-икки марта суҳбат қилганман. "Иш стажим ўттиз йилча бўлиб қолди. 1983-1984 йилларда Чилонзордаги электротехникумда ўқиб юрган чоғларимда 3-поликлиникада қаттиққўл, талабчан, меҳрибон устоз Шоназар акадан кўп нарса ўрганганман. Тиш ясашга меҳр қўйиб, эринмай, тоқат билан ишлашни талаб қилади", деб кўп таъкидларди.

— Орифжон тажрибали, маҳоратли техник, ишхонамизнинг барча ходимлари сингари хушмуомала, самимий инсон, — дейди бўлим бошлиғи Элеонора Пўлатова. — Улар оилавий шифокор, ўғли Жавҳар болалигида отаси ҳамкасблари ёнида бўлиб, зеҳн солиб, тиш техниклиги сирларини тез илғаб олди, кейин институтда ўқиб дипломли врач бўлди, хонаси олдида навбат кутиб турганларнинг кўплигини кўраяпсизми, юришга қийналадиган кексаларнинг уйига бориб тишларини даволаб, янги тиш қўйиб келишдан ҳам эринмайди. Яна бир ўғли Жавлон ҳам техниклик касбини эгаллаган.

Дарҳақиқат, тишимни даволатиш учун борган куним Тайлоқ туманидан малака оширишга келган Фарҳод исмли ёш техник Ориф Исаевдан анча нарса ўрганаётганини айтиб берди. Стоматология институти талабаси Санжарбек Жавҳар ёнида амалиёт ўтаётгани, у-бу ишларига қарашаётганининг гувоҳи бўлдим.

Тиш деганлари турган-битгани мўъжиза, сир-синоат экан. Қутлуғ ёшида тишлари тушмай, шикастланмай, садафдай ярқираб турганга нима етсин. Мабода касалликка чалинса, олдириш, янги тиш қўйдиришга эҳтиёж, зарурат сезилса Орифжонлар, Юсуфжонлар, Элеоноралар, Байрамгуллар хизматингизга шай туришади.

**Сайди УМИРОВ**

**Миннатдорлик**

# СОҒЛИҒИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

***Аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятни янада юксалтириш жамиятимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётганислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган.***

Бу борада оилавий поликлиникалар тизимида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Яккасарой туманидаги 59-оилавий поликлиникада оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишга муҳим эътибор қаратилади.

Айниқса биз ёш ва бўлажак оналар учун "Оналар ва болалар саломатлиги йўлида", "Тиббий кўрикнинг аҳамияти", "Соғломжон-полвонжон" мавзуида ўтказилаётган давра суҳбатлари болаларимизнинг соғлом туғилиши ва вояга етишида катта аҳамият касб этади.

Маҳалламизда мутахассис шифокорлар иштирокида ўтказиладиган тадбирларда ўзимизга керакли бўлган барча тавсияларни оламиз ва тиббий билимлардан хабардор бўлиб борамиз.

Бунда поликлиника бош шифокори Раъно Носирова, бош шифокор ўринбосари Нигора Бозорова, малакали умумамалиёт шифокорлари Дилрабо Ҳожимуратова, Дилбар Раҳимова, Маҳмуда Суюнбекова бизларга яқиндан кўмак беради.

Уларни ўз ишининг ҳақиқий жонкуярлари, ширин забон, меҳрибон тиббиёт ходимлари десак муболаға бўлмайди.

Мен ўзим ва маҳалламизда истиқомат қилаётган ёш оналар номидан поликлиникада фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларига чин кўнгилдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Чунки улар туфайли болаларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда.

**Ойдин ҲАЙИТОВА,**
**Яккасарой тумани,**
**“Қушбеги” маҳалласи, Усмон Носир кўчаси, 81-уй.**



**Мутахассис маслаҳати**

# ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

***Грипп ўткир юқумли вирусли касаллик бўлиб юқори нафас йўлларининг заҳарланиши билан характерланади.***

Грипп касаллигига мавсумийлик хос, асосан куз-қиш-баҳор ойларига тўғри келади. Ушбу мавсумларда касалликнинг ортишига ҳаво ҳароратининг пасайиши, юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларининг кўплиги, организмдаги витаминлар танқислиги, хоналардаги одамларнинг зич яшаши сабаб бўлади.

Грипп вирусларини тарқатувчи асосий манба грипп билан касалланган бемор бўлиб, у касалликнинг 2-3 кунларида атрофидагилар учун жуда хавфли бўлади. Касаллик кўпинча ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бемор акса урганда, йўталганда, гаплашганда сўлак томчилари билан грипп вирусларини атроф-муҳитга тарқатади.

Грипп билан барча ёшдаги кишилар касалланади, айниқса заиф (нимжон) болалар, кекса ёшдаги кишилар, ҳомиладорлик ҳамда сурункали хасталиклари бўлган ҳамда тамаки чекувчи шахсларга тез юқади ва уларда оғир ўтиб, кўпгина асоратларга олиб келиши мумкин.

Касаллик эт увишиши, тана ҳароратининг (39-40°С гача) кўтарилиши, бош оғриғи, мушаклардаги оғриқлар билан бошланади. Кейинчалик танглай муртакларининг қизариши, бош айланиши, иштаҳасизлик, бурун битиши, оғриқли йўтал кузатилади. Бу ҳолат 2-7 кунгача давом этиб, даво муолажалари ҳамда парвариш билан бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди.

Халқ орасида гриппнинг ўзи эмас, балки унинг асорати ёмон деган фикр бежиз айтилмаган. Баъзилар грипп касаллигига эътиборсизлик билан қарайдилар, яъни оёқда юриб ўтказадилар ёки ўз билганича нотўғри даво муолажаларини қиладилар. Бундай ҳолатларда касалликнинг ўпка тўқималарининг яллиғланиши (зотилжам), мия пардасининг яллиғланиши (менингит), мия пардаси ва моддасининг яллиғланиши (менингоэнцефалит), қулоқнинг яллиғланиши (отит), бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши (синусит) каби оғир асоратлари кузатилади.

Касалликнинг олдини олиш учун уюшган жамоаларида (мактаб, концерт заллари, иш жойлари, кинотеатрлар, жамоат транспорти воситалари) 4 қаватли докадан тикилган ниқобда юриш тавсия қилинади. Яшаш хоналарини вақти-вақти билан шамоллатиб, исириқ тутатиб туриш керак бўлади. Кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиш, гриппга қарши вакцина билан эмлаш жоиздир.

Грипп касаллигига қабул қилинадиган даво муолажалари фақат шифокор тавсиясига кўра бўлиши керак.

Оилада бирор кишида грипп касаллигига шубҳа бўлганда уни ишга, мактабга, мактабгача таълим муассасаларига, жамоат жойларига юбормаслик, беморни атрофдагилардан алоҳидалаш лозим.

Ҳар бир шахс кун тартибига риоя қилиши, ҳаракатли машқлар, танани қуёшда тоблаш, сув муолажалари билан танани мунтазам равишда чиниқтириши керак.

Аллоҳ томонидан яратиб қўйилган пишиқчилик мавсумларидаги мева ва сабзавотлардан вақтида кўпроқ истеъмол қилиб туриш даркор.

Мавсумга мос кийиниш, грипп билан касалланган беморларга ва соғлом инсонларга суюқликлар (малина, смородина, лимон ва асал қўшилган чой, иссиқ сут, наъматак дамламаси) ичиш тавсия этилади.

Кундалик турмушда юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилинса, ҳар биримиз грипп касаллигининг олдини олишга ўз ҳиссамизни қўшган ва ўзимизни ҳамда атрофдагиларни грипп ҳамда юқори нафас йўлларининг ўткир респиратор хасталикларидан асраган бўламиз.

**Азизбек НИЗАМОВ,**
**Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

*ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА 2016 ЙИЛ УЧУН*

**катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил изланувчи**

**ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**08.00.07 – Молия. Бухгалтерия ҳисоби**

**Ҳужжатлар – 2015 йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача қабул қилинади.**

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй.
Телефон: (8-371) 235-41-83
**website: www.tfi.uz**

*ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган.

*Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.*
*Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.*
*Бошқарма маъмурияти.*

## Спорт янгиликлари





ЎзА олган суратлар

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

***Пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон" спорт саройида дзюдо бўйича учинчи бор халқаро Гран-при мусобақаси ўтказилди.***

Дунёнинг 50 дан зиёд давлат вакиллари ташриф буюрган мазкур Гран-при турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этган ҳолда 1 тадан олтин ва кумуш ҳамда 4 та бронза медалига сазовор бўлиб, жами олтита медални қўлга киритишди. Полвонларимиз умумжамоа ҳисобида Япония ва Жанубий Корея терма жамоаларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллаган бўлсада, медаллар сони ҳисобга олинганда пешқадамлардан кўра яхшироқ натижани қайд этишди.

Қизғин кечган мусобақа якунига кўра, терма жамоамиз ҳисобига олтин медални Мирали Шарипов (-73 кг) келтирган бўлса, Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг) кумуш медаль соҳиби бўлди. Бронза медаллари Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг), Ғиёсжон Бобоев (-73 кг), Шерали Жўраев (-90 кг) ва Соиб Қурбоновга (-100 кг) насиб этди. Айниқса, барча кучли дзюдочиларни ўзида жамлаган ушбу нуфузли мусобақада келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI олимпия ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ҳам ўйналганлиги ғалаба қадрини ниҳоятда ошириб юборди.

Энди мамлакатимиз полвонлари шу ойнинг 17-18 кунлари Франция давлатида бўлиб ўтадиган йирик халқаро турнирда иштирок этадилар.

***Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси — ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг ўринларини эълон қилди.***

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси бир ой аввал қайд этган кўрсаткичдан кўра икки поғона юқориладди. Ҳозирда бош жамоамиз рўйхатнинг 74-қаторидан жой олгани ҳолда Осиё қитъаси давлатлари орасида 6 натижани қайд этмоқда.

ФИФА рейтингида очко тўплаш имкониятини тақдим этувчи мусобақа ҳамда ўртоқлик учрашувларида барқарор ўйин кўрсатаётган Эрон терма жамоаси 39-ўрин билан Осиё вакиллари орасида энг яхши натижани қайд этиб турибди. Шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Австралия ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари термалари ҳам вакилларимиздан олдинда боришмоқда.

Дунё рейтингининг энг юқорисида Аргентина жойлашган бўлса, 4 карра жаҳон чемпиони – Германия ҳамда бугунги кунда таркиб жиҳатидан етакчи терма жамоалардан қолишмайдиган Бельгия кейинги ўринларни банд этган.

***Финляндияда ташкил этилган фахрийлар ўртасида оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз номидан икки нафар тажрибали спортчи қатнашди.***

# ФАХРИЙ СПОРТЧИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Бу сафарги мусобақада ҳар икки атлетимиз 45-49 ёшлилар гуруҳида иштирок этишди. Дастлаб 69 килограммгача бўлган вазн тоифасида Воҳиддин Нажмиддинов ўз уринишларини бажарди. 49 ёшни қаршилаган фахрий полвонимиз даст кўтаришда 85 кг, силтаб кўтаришда 105 кг. натижа кўрсатиб 4-ўриндан жой олди. Таъкидлаш жоизки, спортчимизга нисбатан мезбон П.Килпонен, эронлик Э.Баяти ҳамда германиялик Рене Ройдигерлар бир неча ёшга кичикроқ эдилар.

Шундан сўнг, кўплаб халқаро турнирларда муваффақият қозонган ҳамюртимиз Вячеслав Брюхов 94 килограммгача вазнда мусобақа ғолиблиги учун курашни бошлади. Оғир атлетика спортига ёшлигидан меҳр қўйган ангренлик Вячеслав Брюхов даст кўтаришда 125 кг, силтаб кўтаришда 145 кг натижа билан яна бир бор жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Аҳамиятлиси, чемпионимиз иккинчи ўриндаги таъқибчиси уругвайлик Пабло Асуаганига қараганда умумий ҳисобда 25 кг кўпроқ вазнни кўтаришга эришди.

Шундай қилиб, жаҳон чемпионатида Ватанимиз байроғини юқорига кўтарган спортчиларимиз юртимизга фахр билан қайтиб келишди.

***Ўзбекистонлик теннис устаси Фаррух Дўстов Туркиянинг Агри шаҳрида ўтказилган "Agri Challenger" теннис турнири ғолибига айланди.***

# БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Мусобақанинг ярим финалида ҳамюртимиз россиялик моҳир теннисчи Константин Кравчук билан тўқнаш келди. Бир соату 23 дақиқа давом этган мазкур беллашувда Дўстов 7:6, 6:2 ҳисобида рақибидан устун келди.

Финал баҳсида вакилимизга ҳиндистонлик ракетка устаси Сакет Минени қаршилик кўрсатди. Ушбу ўйинда Фаррух бир хил 6:4, 6:4 ҳисобида рақибини мағлубиятга учратиб, бош соврин соҳиби бўлди.

"Challenger" туркумидаги мусобақа ғолиби бўлган Фаррух Дўстов 90 рейтинг очкосини қўлга киритиб, "АТР" рейтингида 24 поғона юқорилади. Эслатиб ўтамиз, айни дамда жаҳон рейтингида 129-ўриндан жой олиб турган Фаррух Дўстов бу каби турнирларда бугунгача 5 маротаба зафар қучган.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди.***

Мусобақада Ўзбекистон Миллий, Тошкент Давлат техника университетлари, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат юридик университети ҳамда Тошкент Молия институтларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба-ёшлар қатнашди. Улар стол теннисининг жамоавий ҳамда яккалик баҳсларида иштирок этишди.

— "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳамда спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Абдумажит Шоғиёсов. — Спорт орқали талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларни диний экстремизм, гиёҳвандлик каби нопок иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат ҳамда ватанпарварлик, ғурур ва фахрланиш каби туйғуларни сингдириш ва шакллантириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан бир қанча спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Натижаларга кўра жамоавий баҳсларда Тошкент Тиббиёт академияси талаба-ёшлари биринчи ўринни эгаллашди. Якка тартибдаги учрашувлар жуда қизғин ва муросасиз курашларга бой тарзда бўлиб ўтди. Якка тартибдаги баҳсларда мутлоқ ғолиблик ТТА талабаси Достон Сайфуллаевга тегишли бўлди. Тошкент Давлат техника университети талабаси Убайдулло Мусулов иккинчи ўрин ни эгаллаган бўлса, Тошкент Давлат юридик университети талабаси Акмал Шокировга учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақа ниҳоясида фаол иштирок этган ёшлар "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зарина РУСТАМОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### *ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси 2015 йил 9 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади**

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2015 йил 9 ноябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2015 йилнинг 23 ноябрь, 7, 21 декабрь ва 2016 йилнинг 4, 18 январь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 қаватли савдо дўкони бино-иншооти | 2219 | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино мавзеси, 2-уй | Бинолардан фойдаланиш департаменти | 10.05.2013 № 273 | 2 846 746 221,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари | 8226,25 | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди | Бинолардан фойдаланиш департаменти | 28.04.2015 ПП-2340 | 10 224 190 903,00 | | |

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Профилактория ва қоровулхона бино-иншооти | 1778 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй | "ONIKS" АЖ | 04.04.2013 № 83 | 2 744 107 700,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | Ошхона бино ва иншооти | 3420 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй | "ONIKS" АЖ | 04.04.2013 № 83 | 3 005 796 996,00 | | |
| 3 | "Марҳамат" кафеси бино-иншооти | 422 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй | "ONIKS" АЖ | 04.04.2013 № 83 | 353 440 291,00 | | |
| 4 | "Хрустал" кафеси бино-иншооти | 168 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй | "ONIKS" АЖ | 04.04.2013 № 83 | 141 870 661,000 | | |

### *ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимдаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами:**
**239-35-21**
**Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.**

Тошкент давлат техника университети факультетлари биноларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Таъмирлаш жараёнида пудратчи ташкилот томонидан бузиб олинган қурилиш материалларининг яроқли қисмларини танлов асосида сотиш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Мурожаатлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида Университет кўчаси, 2-уй Тошкент давлат техника университети манзили бўйича ёки 246-80-02, 246-80-21 телефонлари орқали қабул қилинади.

### *СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини **15 октябрдан** кечиктирмай тўлашни унутманг!


Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-клиникаси маъмурияти ва касаба уюшмаси тиббиёт фанлари номзоди
**Абдурахмон Мўминович ҒАНИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6295 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5